

## САРМИШСОЙ ДАРАСИ ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ ВА ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

**Шомуродова Нозима**

Бухоро давлат университети

магистранти

### АННОТАЦИЯ

*Ҳозирги кунда қоятош суратларини ўрганиш тарих фани олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Айниқса, қадимда Бухоро воҳасида жойлашган ҳозирда Навоий Вилояти ҳудудига тўғри келадиган Сармишсой дарасининг шаклланиши ва ривожланиш босқичи чуқур тадқиқотларга муҳтож. Шу сабабли ушбу мақолада Сармишсой дарасининг тавсилоти ва унда олиб борилган тадқиқотлар илмий таҳлил қилинди.*

**Калит сўзлар:** *Бухоро воҳаси, археологик тадқиқотлар, Сармишсой дараси, «Қизил Ўзбекистон» газетаси, қоятош суратлари.*

Сармишсой Навоий шаҳридан 40-45 км шимолий шарқда, ҳозирги Навбаҳор туманида, Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган. Даранинг узунлиги 5.5-6 км бўлса, унинг эни 15 метрдан 200 метргача чўзилган, қоятошларнинг баландлиги 15 метрдан 50 метргача етади.

Сармишсой дарасида 200га яқин археологик объектлар мавжуд бўлиб, қоятош суратлари уларнинг гултожидир. Сармишсой дараси асосан саланец, гранит ва майда заррали кумтош қояларидан иборат. Бу тошларнинг сирти силлиқ, аксарияти катта-катта сатҳли бўлиб, оч-қўнғир, жигарранг ва қорамтир товланади. Шунинг учун, бу ерда яшаган қадимги аجدодларимиз ўзларининг ҳаёт турмуш тарзини қоятошларда муҳрлаб қолдирган. Сармиш сой дарасидаги тасвирий санъат намуналарига қарайдиган бўлсак, қадимги аجدодларимизнинг бу борадаги салоҳияти нақадар кучли эканлигини кўришимиз мумкин. Шунинг

учун ҳам айрим тадқиқотчилар дарани “Сехрли ойна дараси” деб ҳам таъкидлашади.

Сармишсой суратлари ҳақидаги дастлабки хабарлар 1958- йилдан кенг оммага ёйила бошланган эди. Ўшанда Халилулло Муҳаммедов «Қизил Ўзбекистон» газетасида дара ҳақидаги ўз мақоласини эълон қилган эди. Ундан кейин Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Я.Ғуломов бошчилигидаги Мохондарё экспедицияси аъзолари У.Исломов, Н.Тошкентбоев ҳамда бошқалар Сармишсой ва Қоронғурсойда бўлиб, бу ерни илмий ўргана бошлади. 1966-йилда Н.Тошкентбоев<sup>26</sup>, 1966-1967 йилларда А.Кабиров<sup>27</sup>, 1968-йилда В.Танасийчуклар<sup>28</sup> дарада ўз тадқиқотларини амалга оширди. 1969-йилда ЎзФА Тарих ва археология институти томонидан Я.Ғуломов ташаббуси билан А.Кабиров раҳбарлигида Сармишсой қоятош суратларини ўрганиш учун махсус отряд тузилади. 1969-1972 йилларда отряд томонидан Сармишсойда кенг кўламда қидирув ва илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Тадқиқотларда Сармишсой дараси 15 қисмга ажратилади. Абдужаббор Кабиров томонидан 3500 хил тасвирлар илмий жиҳатдан ўрганилиб, 40 хилга яқини туркумланган ва суръатларнинг мазмунига қараб 5 хил гуруҳга (одамларнинг тасвири, жанг ва ов қуролларнинг тасвири, кийимлар тасвири, хўжалик ва уй рўзғор буюмлари тасвири, ҳайвонларнинг тасвири) ажратилган. Даранинг жуда сир-синоатга бой тасвирлари Мустақиллик йилларида ҳам жуда кўплаб тадқиқотчиларни жалб этди. Полша, Норвегия ва Франция давлатларининг етук тадқиқотчилари дарада кўплаб маротаба ўз тадқиқотларини амалга оширишди. Натижада, олдин маълум бўлмаган бир қанча қоятош расмлари аниқланган. Сармишсой дараси ҳақидаги илмий билимлар кенгая борди. Тадқиқот натижаларидан билишимиз мумкинки, Сармишсой қоятош суратларининг айримлари қаттиқ буюмлар билан уриб чўкичлаш, чизиш, тирнаш ва ишқалаш йўллари билан

<sup>26</sup> Тошкентбоев Н.Х. Наскальные изображения Коронгурсая и Сармыша, ИМКУ, выпуск 7.-Ташкент, 1966.-С.36-39.

<sup>27</sup> Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар.-Тошкент, 1976.-Б.4.

<sup>28</sup> Танасийчук В. Ущелье волшебных зеркал. «Наука и жизнь». №8. -Л., 1969.-С.98-100.

пайдо қилинган петроглифларда акс эттирилган бўлса, қолганлари табиий кўк, қизил, оқ бўёқлар билан чизилган расмлардан иборат.

Сармишсой қоятош суратларига қарайдиган бўлсак суратлар турли даврларда турли қабила вакиллари томонидан чизиб қолдирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун ҳам суръатларнинг мавзуси ва мазмуни турлича. Қолаверса, Сармишсой дараси суратларининг хронологиясини ўрганиш ҳам жуда муҳим. Бу эса ҳозирги кун фани олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Сабаби, А.П. Окладников таъкидлаганидек, қоятош суратларининг даврини аниқлаш археологик ёдгорликларнинг даврини аниқлашга нисбатан бир мунча қийин ҳисобланади<sup>29</sup>. Шунинг учун ҳам Сармишсой суратларининг хронологияси бир мунча баҳс мунозарага бой. Айрим тадқиқотчилар Сармишсой суратларининг чизила бошлангани мил.авв. 7-мингйилликдан бошланган деса, айримлари кейинги даврлар билан боғлайди. Сармишсой суратларининг ҳақиқий тадқиқотчиси А.Кабиров суратларининг ишланиш техникаси, мавзуси ва мазмунига қараб, хронологик жиҳатдан милоддан аввалги 3-мингйиллик ва милодий 1-мингйилликларни ўз ичига олади деб таъкидлайди ва 3 даврга бўлади. Булар:

1. Қадимий суратлар. Бу давр суратларига мил.авв. 3-2 минг йилликларда ишланган расмлар киритилган;
2. Илк темир даври суратлари. (Мил.авв. 1 минг йиллик. Бу гурх суратларининг кўпчилиги мил.авв. 7 — 1 асрларда яратилган);
3. Кейинги давр расмлари. ( милодий 1-минг йилликда ишланган расмлар)<sup>30</sup>.

Сармишсой суратлари қанчалик чиройли ишланган бўлса-да, Сармишсой қоятош суратларининг ишланиш техникаси ва тасвирига ўхшаш суръатлар Фарғона<sup>31</sup> ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида ҳам учрайди<sup>32</sup>. Бу

<sup>29</sup> Окладников А.П. Петроглифы Ангарь. –М.,1966.-С.107.

<sup>30</sup> Кабиров Ж. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар.-Тошкент,1976.-Б.31-69.

<sup>31</sup> Заднепровский Ю.А. Наскальные изображения лошадей в урочище Айрымачтау (Фергана). СЭ,№55,1962.-С.125-128

<sup>32</sup> Тошкентбоев Н.Х. Наскальные изображения Коронгурсая и Сармыша, ИМКУ,выпуск 7.-Ташкент,1966.-С.39.

ўхшашлик қадимги давр аҳолисининг этномаданий алоқалари натижаси, деб таъкидласак муболаға бўлмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашим мумкинки, Қизбиби тоғ тизмаси ва Нурота тоғ тизмаси ўртасидаги Малик чўлдан Зарафшон давёси оқиб ўтиб, дарёсининг шимолий томонида Сармишсой дараси жойлашганлиги аҳолининг ибтидоий зироатчилик, чорвачилик ва овчилик билан шуғулланишига замин яратади. Бу эса, дарада қадимги аҳоли вакиллариининг истиқомат қилишида ва меҳнат фаолияти самарадорлигининг ошишига хизмат қилади. Сармишсой дараси Қоятош суратлари бизга қадимги давр аҳолисининг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, хўжалиги ва ғоявий асослари каби тарихидан сўзлаб беради.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Тошкентбоев Н.Х. *Наскальные изображения Коронгурсая и Сармыша, ИМКУ, выпуск 7.-Ташкент, 1966.-С.36-39.*
2. Кабиров Ж. *Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар.-Тошкент, 1976.-Б.4.*
3. Танасийчук В. *Ущелье волшебных зеркал. «Наука и жизнь».№8. -Л., 1969.-С.98-100.*
4. Окладников А.П. *Петроглифы Ангарь. –М., 1966.-С.107.*
5. Кабиров Ж. *Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар.-Тошкент, 1976.-Б.31-69.*
6. Заднепровский Ю.А. *Наскальные изображения лошадей в урочище Айрымачтау (Фергана). СЭ, №55, 1962.- С.125-128*
7. Тошкентбоев Н.Х. *Наскальные изображения Коронгурсая и Сармыша, ИМКУ, выпуск 7.-Ташкент, 1966.-С.39.*